

Шоир Жамол Камол 1938 йили Бухоро вилоятининг Шоффрикон туманидаги Чикарон кишлогида дехкон оиласида тугилди. Ота-онадан эрта айрилган Жамол тоғаси кўлида тарбияланди. Ўрта мактабни тугатиб, Бухоро педагогика институтининг филология факултетида ўқиди. Сўнг шу ер да муаллимлик килди.

Жамол Камол 1965-1969 йилдарда «Бухоро хакикати» рўзномаси муҳарририятида ишлади. А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди ва «Лирик шеъриятда композитсия» деган мавзуда номзодлик илмий ишини химоя килди. Шоир 1970-1972 йилларда Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлимида масъул котиб вазифасини бажарди. 1972 йилдан эса А.С.Пушкин номи Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Хозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Жамол Камолнинг «Олам кирар юрагимга» (1968), «Чўккиларга ёгилди» (1971), «Тош тугён» (1973), «Хасан ва ой», (1974), «Суёш чашмаси» (1975), «Достонлар» (1978), «Тафаккур» (1979), «Сувайдо» (1983) «Умидли дунё» (1988) ва бошқа бир катор шеърий тўпламлари нашр килинган.

Жамол Камол мумтоз шеърий анъаналар билан замонавий шеърият тизимини уйғунлаштирган истеъдодли шоирдир. Айни чоғда унинг кўшиклари ҳам классик мусика оханглари билан уйғунлашиб, оламжаҳон тароват бахш этиб келади.

У бир тарихий шеърнинг ҳам муаллифидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон (1991, 1 сентябр) килингандан буён жаҳоннинг 121 мамлакати уни тан олди. Олтмишдан ортик мамлакат эса биз билан ваколатхона даражасида битим тузди. Айни чоғда мустақил Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо ҳам этиб қабул килинди. Худди ана шу тарихий кунга шоир Жамол Камол гувоҳ бўлган. Бинобарин, худди шу ерда, шу дақиқада ўзининг «Аввал Ватан, кейин жон» шеърини битиб, ўқиб ҳам берган эди. Унда:

Киприк кетар, кўз колар,
Колар Ватан жонажон.
Жамолдан шу сўз колар:
Аввал Ватан, кейин жон!—

каби юксак туйгулар ўз ифодасини топади.

Жамол Камолнинг публитсист сифатида энг сўнгги асари «Маккайи мукаррама, Мадинайи муннавара» (1992) асарларидир. Унда хаж бахонасида маънавиятимизни кайта баҳолайди, камоли инсон орзуси билан майдонга чиқади.

Жамол Камол таржима билан ҳам шугулланади. У франсуз мумтоз адабиётининг намояндаси Буалонинг «Шеърий санъат» асарини, озарбайжон шоири Бахтиёр Вахобзоданинг Мухаммад Фузулий хакида «Шабихжрон» достонини ўзбек тилига

таржима килган.

Жамол Камол 1986 йилда Шекспир трагедияларини инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига муваффақиятли ўгиргани учун С.Бородин номидаги мукофотга сазовор бўлган. Яна унга Ўзбекистон халқ шоири (1992) деган юксак фахрий унвон ҳам берилган.